



“ТАШАББУСЛАРНИ
СЎНДИРМАДИК, аксинча,
уларни рағбатлантирдик” 2-с.

Ер ўша-ўша, лекин...
**ДАРОМАД
ҚЎША-ҚЎША!**

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№56
(2384)

2026 йил
15 июль,
ЧОРШАНБА

Maḥalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

ВАТАН ВА ХАЛҚ
МАНФААТИ УСТУВОР

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАСИ ТАРАҚҚИЁТИ

рансинг
ташаббускорлиги,
ташкilotчилиги,
стратегик
рахбарлиги билан
белгиланади



Давлатимиз раҳбарининг
“Маҳалла бошқарувини
самарали ташкил этишга
оид қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида”ги
фармони билан маҳалла
институтини янада
мустақил, халқчил ва
самарали бошқарув
тизимига айлантиришга
қаратилган муҳим
ёндашувлар белгилаб
берилди.

армон билан
“маҳалла еттилиги”
фаолияти қай-
та кўриб чиқил-
ди ва уларнинг ҳар бири учун
алоҳида вазифалар тақсимлан-
ди. Мисол учун, маҳалла раисининг
вазифалари сони 5 тадан
26 тага, ҳоким ёрдамчисиники
7 тадан 14 тага, хотин-қизлар
фаоли учун 4 тадан 10 тага
оширилди. Шунингдек, про-
филактика инспекторига 22 та,
ёшлар етакчисига 4 та, ижтимо-
ий ҳодимга 5 та, солиқ инспек-
торига 13 та вазифа юклатилди.
Энг муҳими, илк бор “маҳалла
еттилиги”нинг барча аъзолари
учун 9 та умумий ҳамкорлик-
даги вазифа ҳуқуқий жиҳатдан
муштахкамланди.

Фармон билан маҳаллалар-
да натижага асосланган бош-
қарув тизими жорий этилди.
Масалан, бугунгача “еттилик”
фаолиятига баҳо беришда қан-
ча йиғилиш ўтказилгани, қанча
кредит ажратилгани, қанча ои-
лага ташриф буюрилганига на-
зар ташланган бўлса, энди асо-
сий эътибор натижага қаратил-
ди. Яъни аҳоли бандлиги, ишсиз-
лик ва камбағалликни қисқар-
тириш, ҳуқуқбузарликларнинг
олдини олиш, муносабатларни ўз
вақтида ҳал этиш каби аниқ на-
тижалар асосида баҳоланади.

Давоми 3-саҳифада.

Бизни ижтимоий
тармоқларда кузатинг!

@mahalla_raislari

@mahalladosh_1

@mahalladosh




ПРЕЗИДЕНТ МАҲАЛЛАГА КЕЛГАНИДА...



ПРЕЗИДЕНТ БЕЛГИЛАГАН МЕЗОН:

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ҲАР БИР РАҚАМ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИНИ КЎРИШИ ШАРТ!

Президент
Шавкат
Мирзиёев
13 июль кунин
Бекобод
шаҳрига
ташриф
давомида
“Ўстлик”
маҳалласида
бўлиб, бу
ерда амалга
оширилган
бунёдкорлик
ишлари билан
ташрифиди.



авлатимиз раҳбари билан бўлган учрашув
ҳар бир маҳалла раиси учун катта тажри-
ба мактабидир. Чунки бу каби мулоқотларда
Янги Ўзбекистон маҳалласи қандай бўли-
ши, ундаги ҳар бир амалий иш қайси мезон
асосида баҳоланиши кераклиги яна бир бор
яққол намоён бўлади. Энг муҳим хулоса шуки, маҳаллада қа-
бул қилинаётган ҳар бир қарор, илгари сурилаётган ҳар бир
ташаббус ва амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳанинг мар-
казида инсон, унинг манфаати ва розилиги туриши шарт.
Бу фикрнинг амалий ифодасини “Хос ёз” канали бўйида
амалга оширилган кенг қўламли ишлар мисолида ҳам кўриш
мумкин. Бир вақтлар қаровсиз ва эътибордан четда қолган
хўдуд бугун шаҳарнинг энг кўркем ва аҳоли энг кўп ташриф
буюрадиган масканларидан бирига айланди. Бу ерда 3 кило-
метрлик пиёдалар йўлиги, 5,4 километр мустаҳкам тўсиқлар
ҳамда 2 та замонавий кўприк барпо этилди. Соҳил бўйида
27 та савдо ва хизмат кўрсатиш объекти ташкил қилиниб,
167 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Давоми 2-саҳифада.



ТАШАББУС

“Маҳалла лигаси”:

Маҳорат, атонат, уваффақият уйғунлиги

Маҳаллаларда истиқомат қилувчи
30 ёшдан юқори бўлган аҳоли
вакиллари ўртасида “Маҳалла
лигаси” спорт мусобақаларининг
худудий финал босқичлари
бошланди.

Урганч шаҳри-
даги Олимпия
ва паралим-
пия спорт турлари
тайёрлаш марказида
ўтказилган мусобақа-
нинг Хоразм вилояти
босқичи ҳақиқий спорт
байрамига айланди.
Маҳаллалардан сара-
лаб олинган иштирок-
чилар шахмат, шашка,
стритбол, волейбол, ми-
ни-футбол, стол тенни-
си ҳамда воркаут спорт
турлари бўйича ўзаро
куч синашди. Ҳар бир
баҳс юқори рақобат,
ғалабага бўлган қатъий
интилиш ва жамоавий
ҳамжиҳатлик руҳида
кечди. Мусобақа якуни-
да ғолиб ва совриндор-
лар аниқланиб, диплом,
медал ҳамда қиммат-
баҳо совғалар билан
тақдирланди.

Самарқанд вилояти
босқичида 16 та туман
ва шаҳардан сараланган

маҳалла жамоа-
лари, шунингдек,
яккалик йўналиш-
ларида ғолиблик-
ни қўлга киритган
спортчилар ишти-
рок этди. Белла-
шувлар иштирок-
чиларнинг жисмо-
ний тайёргарлиги,
иродаси ва маҳал-
ла жамоаларининг
аҳиллигини яна
бир бор намоён
этиди. Мусобақа-
лар якунига кўра,
энг кучли жамоа
ва спортчилар
аниқланди.

— Аёллар ўртасидаги беллашувда шахмат бўйича ғо-
либ бўлдим, — дейди Самарқанд шаҳридан И.Хамроқу-
лова. — Шахмат билан бир неча йилдан буён мунтазам
шуғулланаман. Бу мусобақада иштирок этиш орқали ўз
имкониятларимни синаб кўрдим, турли ҳудудлардан кел-
ган иштирокчилар билан тажриба алмашдик. Ҳар бир
баҳс жиддий тайёргарлик ва диққатни талаб қилди. Ғала-
ба қозонганимдан жуда мамнунман. Энг муҳими, бундай
мусобақалар маҳаллаларда хотин-қизларнинг спортга
бўлган қизиқишини янада оширади, уларни фаол турмуш
тарзига ундайди.



Қашқадарё вилояти босқичи ҳам кўтаринки
кайфият ва юқори рақобат муҳитида ташкил этил-
ди. Беллашувлар давомида иштирокчиларнинг
жисмоний тайёргарлиги, ғалабага интилиши ва
жамоавий ҳамжиҳатлиги яққол кўзга ташланди.
Яқунда ҳар бир спорт тури бўйича ғолиб ва сов-
риндорлар аниқланди. Мусобақалар маҳаллалар-
да соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳоли,
айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни спортга кенг
жалб этишда муҳим аҳамият касб этаётгани
таъкидланди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президентимиз пенсия ти-
зимини ислоҳ қилиш бўйича
таклифлар тақдироти билан
танишди.
Тақдиротда пенсия тизимини
илгор хорижий тажриба асосида
ислоҳ қилиш, жамғариб борила-
диган пенсия жозибдорлигини
ошириш ва аҳолини унда фаол
иштирок этишга рағбатлантириш
бўйича янги тартиблар таклиф
қилинди.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

Эҳтиёжманд оила муаммоси билан ёлғиз қолмайди

Бугун мамлакатимизда
“Инсон қадрини учун” та-
моили асосида қўлаб-қув-
ватлаш, эҳтиёжманд оила
муаммоларини ўрганиш
ва уларга манзилли ёрдам
кўрсатишга алоҳида эъти-
бор қаратилмоқда.

6-с.

Назоратчи эмас, ҳамкор ва маслаҳатчи бўлиш муҳимроқ

Илк йилларда ер ва мол-
мулк солиқлари бўйича
тушунтириш ишлари олиб
бориш учун уйма-уй юрар-
дик. Баъзи хонадонларда
гўё ўзимиз учун пул сўра-
ётгандек эътирозлар, но-
розиликлар бўларди.

7-с.


Низо ортидаги сабаб қандай бартараф этилди?

Одатда “еттилик” ходимла-
ри ҳамкорликда ҳар куни
аҳоли билан ишлайди.
Турли тадбирлар ўткази-
ди. Негадир кўпчилик бу каби
тадбирларни рақамлар ке-
тидан қувиш, ҳисобот учун,
деб ўйлайди.

8-с.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
Ўзбекистон металлургия комбинатида барпо этилган янги Қуюв-прокатлаш мажмуасини ишга туширди.



ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ Қатар амираи Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийга отасининг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирди.



Ўзбекистонда **ЖАҲОН ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ АЛЬЯНСИ** ташкил этилади.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

ПРЕЗИДЕНТ МАҲАЛЛАГА КЕЛГАНИДА...

ПРЕЗИДЕНТ БЕЛГИЛАГАН МЕЗОН: “маҳалла еттилиги” ҳар бир рақам ортида инсон тақдирини кўриши шарт!

УЮШМА КУНДАЛИГИ

“Маҳалла” атамасини ЮНЕСКО
Репрезентатив рўйхатига киритиш
бўйича ишлар бошланди.

Ўзбек маҳалласи ЖАҲОН МЕРОСИ мақомига даъвогар

Аввал хабар берганимиздек, “Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “Йул харитаси”га мувофиқ, “Маҳалла” атамасини ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатига киритиш белгиланган. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида мазкур масала бўйича ишчи гуруҳнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Мулоқотда ЮНЕСКО номинация доъсёсини (ҳужжатларини) тайёрлаш талаблари ҳамда маҳалла институтининг тарихий шаклланиши ва бугунги кундаги ижтимоий аҳамияти муҳокама қилинди. Зарур ҳужжатлар маҳаллага хос урф-одатлар, маросимлар, ҳашар, ўзаро қўмақ ва қўшничилик анъаналари асосида шакллантирилиши лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, ЮНЕСКО талабларига мувофиқ, илмий концепция ишлаб чиқиш, тарихий ва этнографик материалларни тизимлаштириш, фото ва видеоматериалларни жамлаш, эксперт хулосалари ҳамда маҳаллаларнинг розилигини тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрлаш бўйича келгуси вазибалар белгилаб олинди.



Озода ХОЛМАТОВА,
Бекобод шаҳридаги
“Дўстлик” маҳалласи раиси.

резидентимиз ташриф давомида маҳаллада спорт билан шуғулланаётган ёшлар билан мулоқот қилди. Сўхбат чоғида йигит-қизларнинг спортга қизиқиши, бўш вақтини мазмунли ташкил этиши, жисмоний фаолликнинг инсон камолоти ва жамият тараққиётидаги аҳамияти хусусида фикр алмашилди. Бу мулоқот ёшлар учун катта руҳий рағбат бўлиб, уларни соғлом турмуш тарзига содиқ қолиш, ўз устида мунтазам ишлаш ва юксак марралар сари интилишга ундади.

Маълумот учун, “Дўстлик” маҳалласида жорий йилда тадбиркорлар 1,1 миллиард сўм инвестиция киритиб, 10 та хизмат кўрсатиш объекти ва 1 та умумий овқатланиш шохобчасини ташкил этди. Натижада 25 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, ташаббускорлар маблаглари ҳисобидан “Ватанпарвар боғи” барпо қилинди. “Ташаббусли бюджет” маблаглари ҳисобидан маҳалла худудига Бекобод шахри музейи ташкил этилди.



Биз, “маҳалла еттилиги” аъзолари учун мазкур ташриф, энг аввало, катта ишонч ва юксак масъулият рамзидир. Энди ҳар бир қабул қиладиган қароримиз, ташаббусимиз ва хонадонлар билан олиб бораётган фаолиятимизга бир савол билан ёндашишимиз керак: бу иш одамларнинг ҳаётини яхшилаяптими? Агар шу саволга амалий жавоб бера олсак, Президентимиз билдирган ишонччи оқлаган, Янги Ўзбекистон маҳалласини барпо этишга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.



Ташрифнинг энг аҳамиятли жиҳатларидан бири — давлатимиз раҳбарининг маҳалла фаоллари ва меҳнат фахрийлари билан очик ва самимий мулоқоти бўлди. Президентимиз ҳар доимгидек одамларнинг фикрига қўлоқ тутди, ҳаётий таклиф ва мулоҳазаларга алоҳида эътибор қаратди ҳамда “маҳалла еттилиги” тизимининг аҳамиятини яна бир бор таъкидлади. Бу эса маҳалладаги ҳар бир раҳбар учун муҳим сабоқдир: ҳақиқий натижа идорада эмас, одамлар орасида ишлаганда қўлга киритилади.

Айниқса, Президентимизнинг: “Барча амалга ошираётган ишларимиз, барпо этилаётган объектларимиз ва лойиҳаларимиз, аввало, аҳолига хизмат қилиши, инсонлар ҳаётини яхшилаши керак. Одамлар ўз маҳалласида, шаҳрида кечаётган ўзгаришларни ҳис қилиши, уларнинг самарасини кундалик ҳаётида кўриши керак”, деган сўзлари ҳар бир маҳалла раиси ва “еттилик” аъзоси учун дасуриламал бўлиши лозим.

Бугун маҳалла раиси фақат ҳужжат юритувчи ёки йиғилиш ўтказувчи раҳбар эмас. У аҳолининг ишончига муносиб бўлиши, ҳар бир оиланинг дардини билиши, ҳар бир ёшнинг орзусини англаши, ҳар бир тадбиркорнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаши керак. “Маҳалла еттилиги” фаолиятининг мазмун-моҳияти ҳам айнан шунда. Президентиимизнинг “еттилик” вазиллари билан мулоқоти эса бу тизимга бўлган ишончнинг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, худудларга ҳар бир ташрифда одамлар Янги Ўзбекистон ёлқотларининг амалий натижасини, янгилашни ва тараққиёт нафасини ҳис қилиши керак. Бекобод шаҳрида амалга оширилаётган ишлар ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Бу ердаги меҳнаткаш аҳоли, фидойи маҳалла фаоллари, ташаббускор тадбиркорлар ва иқтидорли ёшлар бирлашган ҳолда янада обод, хавфсиз ва фаровон маҳалла муҳитини барпо этаётгани эътиборга лойиқ.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Пенсия тизимини ислох қилиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди

Тадқиқотга кўра, ойлик иш ҳақи 7,6 миллион сўмгача (пенсия ҳисоблаш базавий миқдорининг 15 баравари) бўлган фуқаро жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 5 фоизини ўтказса, давлат қўшимча яна 2,5 фоиз миқдоридида маблағ ажратди.

Ойлик иш ҳақи 7,6 миллион сўмдан юқори бўлган фуқаролар учун эса тўланган ижтимоий солиқнинг шу миқдордан ошган қисмининг 1 фоизини уларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказиш таклиф этилди.



Пенсия ҳисобланадиган иш ҳақи даврини 5 йилдан 20 йилгача узайтириш ҳамда паст даромад олинган айрим даврларни ҳисобдан чиқариш режалаштириляпти. Шунингдек, 2027 йилдан бошлаб, пенсия ҳисоблашда инобатга олинадиган иш ҳақининг юқори чегарасини ҳозирги 6 миллион сўмдан 6,6 миллион сўмга ошириш кўзда тутилмоқда.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“ТАШАББУСЛАРНИ СЎНДИРМАДИК, АКСИНЧА, УЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРДИК”

Маҳалла шунчаки маъмурий идора эмас, у — катта бир оила. Агар оилада ҳамжихатлик, бир-бирини тинглаш ва қўллаб-қувватлаш бўлса, хонадонда барака бўлади. Шу боис “еттилик” ходимлари ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган.

Суннатилло РАҲАБОВ,
Навбаҳор туманидаги
“Янгиҳаёт” маҳалласи раиси.

Хар қандай мурожаатни ҳал этишда “Бу сенинг ишинг”, деган қараш йўқ. Олдимизга битта қатъий мақсад қўйганимиз — идорада ўтириб бўйруқ берадиган эмас, аҳолининг ичига кириб, улар билан бирга нафас оладиган тизим яратиш. Энг намунали 100 та маҳалла сафига киришимиз бежиз эмас. Бу ютукнинг ортида катта меҳнат, тунларни кунга улаган изланишлар ва энг муҳими, халқнинг давлатга бўлган ишончи ётибди.

Худудда 218 нафар аҳоли истикомат қилади. Муваффақиятимизнинг бош сир — аҳолига яқин бўлганимизда. Биз ҳар бир хонадоннинг остонасидан хатлаб ўтиб, муаммоларни ич-ичидан ўргандик. Кимнингдир тадбиркорликка қизиқиши бор, кимдир чорва боқишни хоҳлайди, яна кимдир ҳунармандчиликка интилади. Мана шу қизиқишларни сўндирмадик, аксинча, уларни рағбатлантирдик, тўғри йўл кўрсатдик.

Иқтисодий ривожланиш йўналишимиз — деҳқончилик ва чорвачилик. Лекин биз фақат анъанавий усуллар билан чекланиб қолмадик. “Ишлайман, оиламни боқаман”, деган ҳар бир фуқаро учун керакли ёрдамни бердик.


Биласизми, инсон қачонки ишсиз, мақсадсиз ва жамиятдан узилиб қолганда жиноятга қўл уради. “Қизил” худуддан “яшил” тоифага ўтишда ана шу муаммага ечим топдик. Аввало, бандликни таъминладик. Қолаверса, ўзаро ҳурмат ва жамоатчилик назорати туфайли жиноятчиликдан холи худудга айландик.



Йил бошида маҳаллаимизда 16 нафар ишсиз фуқаро рўйхатда турарди. Ҳар бири билан алоҳида сўхбатлашдик. Кимгадир иссиқхона қуриш учун субсидия ажратдик, кимгадир тикувчилик дастгоҳлари олиб бердик, яна кимларнидир тумандаги йирик ишлаб чиқариш корхоналарига жойлаштирдик. Натижада, қисқа фурсат ичида уларнинг барчасининг бандлиги таъминланди. “Ишлайман”, деган одам эътибордан четда қолмади. 2026 йил бошида 27 та камбағал оила рўйхатга олинган эди. Олиб борилган тизимли чора-тадбирлар, чорва тарқатиш ва томорқалардан унумли фойдаланишни йўлга қўйганимиз эвазига уларнинг 6 таси ўзига тўқ хонадонлар сафига кирди. Қолган оилаларни ҳам тез орада оёққа турғизиш, доимий даромад манбаи билан таъминлаш устида ишлаяпмиз.

Бунинг учун ички имкониятлардан келиб чиқиб, янгича ташаббусни илгари сурдик. “Касаначилик кооперацияси” маркази ташкил этиб, уйда ўтирган хотин-қизлар бандлиги таъминланди. Яъни, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш (сут, қатиқ, пишлоқ тайёрлаш) ва тайёр маҳсулотни бозорга тизимли чиқариш йўлга қўйилди.

Олдимизда ҳали режалар кўп. Ҳозирги кунда маҳалла раиси сифатида мени энг кўп ўйлантирадиган масала, бу — молиявий имкониятларимизни яратувчанликка йўналтириш. Агар янада кўпроқ маблағ бўлса, янги иш ўринлари яратишга, маҳалланинг ички йўллари, ичимлик сув каби муаммоларни тўлиқ ҳал қилишга қодирмиз.



2026 йил 1 июль
ҳолатига кўра,
Ўзбекистонда
2,5 миллион киши
“КРЕДИТГА ТАҚИҚ”
ХИЗМАТИ ОРҚАЛИ
ўзига кредит олишни
тақиқлади.



Ўзбекистон
ЭКОЛОГИК
ТЕХНОЛОГИЯЛАР
САНОАТ ПАРКИ
ташkil этилади.



Тошкент Осиёдаги
яшаш учун
ЭНГ ҚИММАТ
ШАҲАРЛАР
РЕЙТИНГИДА
74-ўринда қайд этилди.

2026 йил
15 июль,
ЧОРШАНБА

Mahalla №56

3

“ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.


БАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАСИ ТАРАҚҚИЁТИ

РАИСНИНГ ТАШАББУСКОРЛИГИ, ТАШКИЛОТЧИЛИГИ, СТРАТЕГИК РАҲБАРЛИГИ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ



Ахрор ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
ушмаси бўлим бошлиғи.



армондаги энг
муҳим янгилик,
бу — маҳалла

раисининг стратегик раҳбар сифатидаги ўрни аниқ белгиланди, унинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ва шахсий масъулияти тубдан кучайтирилди. Бугунгача маҳалла раиси, асосан, “маҳалла еттилиги” фаолиятини мувофиқлаштирувчи умумий раҳбар сифатида белгиланган бўлса, эндиликда у маҳалла тараққиёти учун шахсан масъул стратегик раҳбар сифатида эътироф этилади.

Бу ўзгаришнинг энг муҳим жиҳати шундаки, маҳалла раиси энди муаммони аниқлаб, тегишли идораларга мурожаат қилиш билангина чекланмайди. У ҳар бир масаланинг ечимига қадар бўлган бутун жараёни бошқаради: муаммони таҳлил қилади, масъул ташкилотларни бир мақсад атрофида бирлаштиради, амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштиради, назорат қилади ва энг муҳими, аҳоли кутаётган амалий натижани таъминлайди.

Яъни маҳалла раиси ҳудуддаги ўзгаришларнинг ташаббускори, ташкилотчиси ва натижа учун жавобгар раҳбарга айланади. Шу боис бугунги маҳалла раиси нафақат ташкилотчилик қобилиятига, балки замонавий

раҳбарга хос стратегик фикрлаш, узоқ муддатли режалаштириш, жамоани самарали бошқариш, таҳлил ва қарор қабул қилиш, рақамли технологиялардан унумли фойдаланиш, аҳоли билан очиқ, ишончли ва самарали мулоқот ўрнатиш кўникмаларига эга бўлиши шарт.

Мисол учун, дейлик, маҳаллада ишсиз ёшлар сони ортиб кетди. Янги тартибга кўра, эндиликда маҳалла раиси барча масъулларни жалб қилиб, ишсиз ёшларнинг рўйхатини шакллантиради, касбга ўқитиш режасини белгилайди, тадбиркорликка жалб қилиш чораларини кўради, ҳуқуқбузарлик хавфи юқори бўлган ёшлар билан индивидуал иш ташкил қилади, натижани ҳар ой таҳлил қилади. Бу эса жамоавий бошқарувнинг амалдаги кўринишидир. Яна бир муҳим вазифа —

бугунгача маҳалла раиси аҳоли муаммоларини аниқлаши ва тегишли ташкилотларга мурожаат қилиши мумкин эди. Бироқ уларни мунтазам равишда туман (шаҳар) ҳокимига киритиш бўйича алоҳида ҳуқуқий тизим белгиланмаган эди. Эндиликда маҳалла раиси ҳар ойда камида бир марта маҳаллада ҳал этилмаган долзарб масалаларни туман (шаҳар) ҳокимига киритиб бориш имкониятга эга.

Масалан, маҳаллада янги мактаб, боғча ёки тиббиёт пункти қуриш каби маҳалла имконияти билан ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар мавжуд бўлса, маҳалла раиси уларни умумлаштириб, асосланган таклифлар билан туман ҳокимига киритади. Шу орқали муаммолар “маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика” даражаларида босқичма-босқич кўриб чиқилади ва уларнинг ечими таъминланади. Фармон ижросини таъминлаш учун маҳалла раислари олдида бир қатор устувор вазифалар турибди. Жумладан, раислар маҳалланинг



ривожланиш стратегиясини шакллантириши керак. Яъни улар фақат кундалик муаммоларни ҳал қилиш билан чекланиб қолмаслиги, эртанги эҳтиёжларни ҳам олдиндан кўра билиши ва шунга мос аниқ режаларни ишлаб чиқиши талаб этилади.

Ҳар бир хонадон билан манзилли ишлаш зарур. Бунинг учун ҳар бир маҳаллада ижтимоий ҳолат, аҳолининг даромад манбалари, ишсизлик даражаси, камбағаллик

ҳолати, хотин-қизлар ва ёшлар билан боғлиқ муаммолар, ҳуқуқбузарлик хавфи ҳамда бошқа ижтимоий масалалар “хонадонбай” тарзда мунтазам ўрганиб борилиши зарур.

Замонавий маҳалла раиси рақамли технологиялардан самарали фойдаланиши шарт. Чунки у электрон маълумотлар базаси билан ишлайди, аҳоли мурожаатларини рақамли тарзда кузатиб боради, тахлилий маълумотлар асосида қарор қабул қилади, ижро интизомини рақамли назорат қилади. Шу боис “Рақамли маҳалла” платформаси асосида бошқарувни ташкил этиш лозим.

Аҳоли ишончини қозониш — энг муҳим мезон. Фармоннинг бутун мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган энг муҳим хулоса шуки, маҳалла раиси фаолиятининг асосий баҳоси расмий ҳисоботлар эмас, балки аҳоли фикри ҳисобланади. Агар маҳаллада одамлар ўз муаммосини эркин айта олса, мурожаатлар ўз вақтида ҳал қилинса, давлат хизматлари аҳолига яқинлашса, одамлар маҳалла раисини ўзининг ишончли вакили, деб билса, демак, маҳалла раиси ўз вазифасини самарали бажарётган бўлади. Шунинг учун аҳоли ишончини қозониш — ҳар қандай раҳбар учун энг катта ютуқ!

Президент фармони маҳалла раисининг ҳуқуқий мақомини ўзгартириш билан чекланмайди. У маҳалла бошқарувида мутлақо янги бошқарув маданиятини қарор топтиради. Энди маҳалла раиси ижрочи эмас, ташаббускор; кузатувчи эмас, ўзгаришларнинг бош мезмори; ҳисобот учун эмас, натижа учун ишлайдиган стратегик раҳбардир.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Шодмон НУРИЛЛАЕВ. Урганч шаҳри:

— Мен расмий иш жойига эга эмасман. Лекин хонадонимда 10 бош чорва моллари парваришлайман. Мана шу фаолиятим меҳнат стажига қўшиладими?

ЧОРВА МОЛЛАРИНИ ПАРВАРИШЛАГАН ДАВР СТАЖГА ҚЎШИЛАДИМИ?



Маҳмуджон ПЎЛАТОВ,
Камбағалликни қисқартириш ва
бандлик вазирлиги ходими:

— “Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, ўзининг шахсий томорка ер участкасида бир қатор фаолият турлари билан шугулланаётган фуқаролар расмий меҳнат стажига эга бўлиши мумкин. Жумладан, чорвачилик (қорамол, қўй, эчки, от ва бошқалар), иссиқхона, паррандачилик (бедана, қурка, ғоз, ўрдак), қўёнчилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик, лимончилик, гулчилик билан шугулланганлар ўзини ўзи банд қилиши белгиланган.

Бунинг учун сиз йилгига БҲМнинг камида 1 баравари микдорда ижтимоий солиқ тулашингиз етарли бўлади. Шу орқали расмий банд бўлган аҳоли тоифасига киритиласиз ва ушбу давр меҳнат стажингизга қўшилади.

Ер ўша-ўша, лекин...

ДАРОМАД ҚЎША-ҚЎША!

Сув ўрнига озуқа, тупроқ ўрнига янги технология...



Илгари аҳоли анъанавий усулда кўчатчилик, деҳқончилик билан шугулланар, тиним билмай меҳнат қилса-да, топган даромади ҳаминқадар бўлар эди. Кўпчилик оила бошлиқлари рўзғор тебратиш учун хорижга йўл оларди.

Ойбек МУСУЛМОНОВ,
Тойлоқ туманидаги
“Сариосиё” маҳалласи
ҳоким ёрдамчиси.

Чунки эскича ёндашув, оддий экинлар ва кам ҳосилдорлик оилалар фаровонлигини тўлиқ таъминлай олмасди.

Иш бошлаган илк кунларимданок, “қандай қилиб маҳалладошларимни ўз хонадонида туриб, кам меҳнат ва кам сув сарфлаб, катта даромад олишга ўргатиш мумкин?”, деган саволга жавоб изладим. Ечимни узоқдан қидирмадим. Гидропоника усулини қўладик. Аввал, бир гуруҳ деҳқонлар билан Жиззах вилоятига бориб, у ердаги замонавий иссиқхоналар фаолиятини ўрганиб келдик. Сув ўрнига махсус озукавий эритмалардан фойдаланиб, тупроксиз экин етиштириш усули бизга жуда маъқул бўлди.

Маҳаллага қайтиб, тарғибот ишларини бошладик. Албатта, бошида одамларда бироз иккиланиш кузатилди. Аммо мав-



жуд имкониятлар — имтиёзли кредитлар маҳалладошларимизнинг шижоатини оширди. Тавakkал қилишдан қўрқмаган хонадон эгаларига ҳужжатларни расмийлаштиришда амалий қўмак бердик.

Гулчехра Худойназарова хонадонигади 12 сотих ерда ав-

валлари оддийгина картошка экарди. Меҳнати оғир, даромади кам эди. Тавсиямиз ва кўмагимиз билан 160 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига гидропоника усулида ишлайдиган иссиқхона ташкил этиб, қўлупнай етиштиришни йўлга қўйди.



Мастура Суюнова ҳам шу усулда қўлупнай етиштириб, биринчи йилнинг ўзида 100 миллион сўм даромад кўришга муваффақ бўлди. Бугун маҳалладошларимиз ишнинг кўзини билиб олишди. Бири икки бўлмоқда, хонадонларга барака ва фаровонлик кирмоқда.

Қўлупнайчилик соҳасидаги муваффақиятимиз ҳали бошланиши. Йил охирига қадар 26 та хонадонга шундай замонавий иссиқхоналар қуриб беришни режага кириртганмиз. Бу камида яна 100 га яқин янги иш ўринлари ва фаровон оилалар, демакдир.

Бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартиришда фақат иссиқхона билан чекланиб қолмаяпмиз. Бодом кўчатларини ноодатий усулда етиштиришни йўлга қўйдик. Мақсадимиз — ҳар қарич ердан унумли фойдаланиб, аҳолимиз вақтини ҳам, нақдини ҳам тажаш. Шунингдек, 2 та камбағал оилага 2 сотихлик паррандахона қуриб бердик. Улар “Навобод насли парранда” хусусий фирмасига кооперация асосида бириктирилди. Эътиборлиси, бир ойда соф фойда 21 миллион сўмни ташкил этди.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



Ўзбекистонда француз тили ўқитувчиларига 1,3 миллион евролик ПЕДАГОГИК СТИПЕНДИЯ ажратилади.



Ўзбекистонда тазйик ва зўравонликдан жабрланувчи шахс МАХСУС МАРКАЗГА ОЛТИ ОЙГАЧА МУДДАТГА жойлаштирилади.



Тошкентда хорижий ва маҳаллий университетларнинг филиаллари ва ётоқхоналарни жамлаган ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТЛАР ШАҲАРЧАСИ қурилади.

4

Mahalla

№56

2026 йил
15 июль,
ЧОРШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

НАМАНГАН

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

“МУРАККАБ БЎЛСА ҲАМ, МАСЪУЛИЯТ ОРТСА ҲАМ, ЎЗ ИШИМДАН КАТТА ЗАВҚ ТУЯМАН”

Кўпчилик маҳаллада ишлаш қийинлиги, масъулияти катталиги ҳақида гапирди. Лекин мен одамлар дардига дармон бўлиш, хотин-қизларни қўллаб-қувватладан катта завқ туяман.



Шоҳида МАРҲАМАТУЛЛАЕВА, Норин туманидаги “Тошқин” ва “Шоҳидон” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Айрим вақтлар ўзимнинг ташвишларим ҳам унут бўлиб кетади. Опа-сингилларимизга ёрдамим тегаетганидан қалбим ҳузур топади.

2022 йилдан буён мазкур тизимда фаолият юритиб, жуда кўп нарсаларни ўргандим. Уларнинг ўзига хос ички оламини кашф этдим. Руҳий ҳолатини қалбдан ҳис қилиб, бир неча нафарини тушунликдан олиб чиқдим. Қачонки, аёл руҳан хотиржам бўлса, ҳаётидаги ҳақиқий бахтни ҳис қилиб яшайди. Қолаверса, хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва психологик билимларини оширишга эришдим. Аслида, ҳар қандай мураккаб масалани ҳам оддий ва содда тарзда тушунтириш орқали қўтилган натижани қўлга киритиш мумкин.

Охирги йиллардан аёлларнинг тадбиркорликка қизиқиши тобора ортиб борапти. Жорий йилда “Аёллар дафтари”га 4 кишини янги бизнес бошлаш истаги билан рўйхатга олдик. Шу кунга қадар барчасига 30 миллион сўмдан 50 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилиб, чорвачилик йўналишида ишни йўлга қўйишига ёрдам кўрсатилди. Ҳозир улар уй шароитида ўзини ўзи банд қилиб, рўзгорига яхшигина даромад киритаяпти.

Сайёра Оролова беш нафар фарзанднинг онаси. Лекин эр-хотин муқим иш жойига эга бўлмагани боис болаларнинг моддий таъминотида анча қийналишди. Хонадон вакилларининг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида уларга ҳоким ёрдамчиси билан бирга қатор хизматлар кўрсатилди. Субсидия асосида томоркасига 3 сотихли иссиқхона қуриб берилди. Сайёра бир муддат у ерда кўкат етиштириб сотиш билан шуғулланди. Қарасак, меҳнатга меҳри жуда баланд, қўшимча юмушни ҳам бемалол эoplayди. Шундан сўнг эр-хотин иккисига бозорчамиздан кичик савдо шохобчаси ажратиб берилди. Ҳозир улар ўз кўли билан етиштирган маҳсулотларни харидорларга барра ҳолатда етказиб берапти.



Баъзан идорадаги ишлар ярим тунга қадар чўзилиб кетади. Чарчоқни ҳам унутиб қўямиз. Айниқса, иккита маҳалла ҳудуди-га бирдек хизмат кўрсатиш катта куч ва меҳнат талаб қилади.

Бу юкламани бироз бўлса-да, енгиллаштириш учун хотин-қизлар фаолларига бир йилда бир марта таътил вақти санаторийда хордиқ чиқариш имкони берилишини хоҳлардик. Ҳамкасбларнинг бир жойда йиғилиб, саломатлигини тиклаши ўзаро фикр алмашиш, тажриба ва малака ошириш имконини ҳам яратган бўларди.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Инсоннинг қўли гул, деб бекорга айтишмайди. Меҳнат қилган, ҳаракатда бўлган киши, албатта, натижага эришади. Айниқса, маҳалла тизимида бу фазилат катта аҳамият касб этади. “Еттилик”нинг ўз устида тинимсиз ишлаши, халқ билан янада кўпроқ мулоқот қилиши ҳудуд фаровонлигига хизмат қилади.

Отабек ТЕШАЕВ, Навоий шаҳридаги “Турон” маҳалласи раиси.

Бундан бир йил аввал маҳалла раиси лавозимига сайланганимда, ҳудуд барча кўрсаткичлар бўйича “қизил” тоифага киритилган эди. Бизни катта юмушлар кутиб турганини ич-ичимдан ҳис қилдим. Қийинчиликлардан сира чўчи-мадик. Олдимизга катта-катта мақсадларни қўйиб, фақат меҳнат қилдик. Жиноятчилик, ажрашиш ва камбағаллик кўрсаткичларини камайтириш учун ҳаловатимиздан кечдик. Баъзан йиғирма тўрт соат идорада қолиб, аҳоли муаммоларига ечим изладик.

Маҳалламизда истиқомат қилувчи Шахноза Отаеванинг оиласи бугун меҳнатсеварлик, қатъий ирода, қолаверса, яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланишнинг ёрқин намунасига айланган, десак муболаға эмас.

“Бир хонадоннинг БЕШ ДАРОМАД КАЛИТИ”

Турсуной ЖўРАЕВА, Вобкент туманидаги “Хўжаробот” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

“Аёллар дафтари”га киритилган оила бекасининг мурожаати ижобий ҳал этилиб, унга 9 миллион 800 минг сўм миқдорида ссуда маблағи ажратилди. Бу сармоя эвазига наслиг сигир-бузоқ харид қилиниб, хонадонда қорамол парвариши бошланди.

Шунингдек, ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида хонадон аъзолари билан ҳамкорликда парҳезбop гўшт йўналишида парваришланаётган парранда сони минг бошга етказилган.

Хонадоннинг томорқадан унумли фойдаланилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ. Айни пайтда 7 сотихдан иборат экин ерида картошка, помидор, булғор қаллампир, баклажон, ловия маҳсулотлари етиштирилиб,



АСР БИЛАН ЮЗЛАШИБ...

Жонибек ҚЎЗИМУРОВОВ, журналист.

Марзия момони илк бор кўрган киши унинг 101 ёшга кирганига ишониши қийин. Онахон бугун ҳам тетик, бардам ва меҳнатсевар. Ҳали-ҳамон рўмолини белига маҳкам боғлаб, томорқа ишларига киришади, дарахтдаги меваларни теради, қўлидан келган ишни ҳеч кимга буюрмайди. Яқинларининг айтишича, онахоннинг узок умр сири тинимсиз ҳаракат, меҳнатсеварлик ва шукроналикда мужассам. У ёшларга доимо меҳнат қилиш, сабр-қаноатли бўлиш ва оила қадрини билиш ҳақида насихат қилади. Шу боис хонадонда Марзия момонинг ўрни алоҳида.

Марзия момо ҳаёти давомида турли синов ва машаққатларни бошдан кечирган. У мамлакатимиз мустақиллигидан олдинги оғир йилларни, чақалогини бағрига босиб дала меҳнатига чиққан кунларини хануз эслайди.

Аср гувоҳи бўлган аёл ҳаёти барчага бир ҳақиқатни эслатади: узок умрнинг сири ҳаракат, меҳнат ва эзгуликдadir.

УЗОҚ УМР СИРИ: ҲАРАКАТ, МЕҲНАТ ВА ЭЗГУЛИК

Ангор туманидаги “Толлимарон” маҳалласида истиқомат қилувчи Марзия момо бу йил 101 ёшни қарши олди. Бир асрдан зиёда умрни ортда қолдирган онахон бугун нафақат фарзандлари, балки неварою чеваралари учун ҳам ибрат мактабига айланган.



ДАРОМАД МАНБАИ

рўзгор эҳтиёжи қондириляпти. Масалан, шу мавсумда ярим тоннага яқин картошка, яна шунча помидор етиштирилгани оилага моддий манфаат келтирмоқда, албатта.



Ҳовли-жойда 20 тупга яқин мевали дарахт парваришланаяпти, демак, ўрик, гилос, шафтоли, анжирдан баҳраманд бўлишмоқда. Мўъжаз тоқзор ёз жазирамасида ширага тўлган, ҳадемай, “Қора кишимиш”, “Хўсайни”, “Беҳишти” узумлари пишиб етилади.

Дарвоқе, томорқанинг бир четида етилиб пишган ханда-лак хиди димоққа урилади. Буларнинг барчаси астойдил меҳнат, ҳалол пешона тери маҳсули.



Сақифани “Mahalla” муҳбири Шахноза РАҲИМХЎҲАЕВА тайёрлади.



2026/2027 ўқув йили учун давлат олий ва касбий таълим муассасаларига кириш ТЕСТ СИНОВЛАРИ 14 июлдан 23 июлгача бўлиб ўтади.



Ўзбекистоннинг 10 мингдан зиёд мактаби “Canva” платформасининг дизайн имкониятидан БЕПУЛ ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИГА ЭГА БУЛАДИ.



Ўзбекистонда етакчи хорижий олийгоҳлар дипломини берувчи ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ДАСТУРЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ йўлга қўйилади.

2026 йил
15 июль,
ЧОРШАНБА

Mahalla №56

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

ИМКОНИЯТ БОР, АММО ТИЗИМ КАМЧИЛИГИ УЛАРНИ ЧЕКЛАЯПТИ



САМАРҚАНД

Тўрт йил аввал маҳалламиз жиноятчилик кўрсаткичлари бўйича “қизил” ҳудуд сифатида қайд этилар эди. Бу ҳолат бизни жиддий ўйлантирди. Муаммонинг илдизига назар ташласак, бунинг асосий сабаби — маҳалламиз ҳудудида вилоятдаги энг гавжум савдо масканларидан бири — “Жума бозори” жойлашганида эди.

Илҳом БОЗОРБОВ,
Қўшработ туманидаги “Қўролос” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Хар кунни минглаб одамлар келиб-кетадиган ҳудудда майда безорилик, телефон ва велосипед ўғрилиги каби ҳолатлар тез-тез учрар, ҳатто бошқа ҳудуддан келган шахс жиноят содир этса ҳам, статистикада маҳалламиз номи қайд этиларди. Шундан сўнг масалага бутун маҳалла масъулияти сифатида ёндашдик. Аввало, кўчаларда кузатув камералари сони кескин оширилди. Бозор ҳудудининг деярли ҳар бир бурчагида огоҳлантирувчи ва профилактик тарғибот ишлари йўлга қўйилди.

Маҳалламизда 1 440 нафар ёш истиқомат қилади. Яқин вақтгача уларнинг 9 нафари доимий ишсиз эди. Ҳар бири билан алоҳида ишлаб, бугунга келиб уларнинг барчасини иш билан таъминлашга эришдик. Ҳозир “Ёшлар дафтари”да фақат бир нафар маҳалладошимиз қолган бўлиб, унга ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш харажатларининг 50 фоизи қўлаб берилиши режалаштирилган. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар билан ҳам тизимли ишляпмиз. Масалан, Аббос Тўйчиев Миллий гвардия сафига ишга қабул қилинди. Бу бошқа ёшлар учун ҳам яхши намуна бўлди.

Биз учун энг катта бойлик, бу — билимли ёшлар. Шу сабабли маҳалламизда фаолият юритаётган иккита ўқув маркази билан яқин ҳамкорлик қиламиз. Бу ерда, асосан, инглиз тили ва математика фанлари ўқитилади. Ҳозир 40 нафар ўқувчи инглиз тилидан “В1” ва “В2” даражадаги миллий сертификатларни қўлга киритган. Умуман олганда, маҳалламиз ёшларининг қарийб 80-90 фоизи турли ўқув курсларида таҳсил олмоқда. Бу меҳнатнинг натижаси ҳам яққол қўринади. Ўтган йили 36 нафар битирувчидан 28 нафари олий таълим муассасалари талабаси бўлди.



Аслида, бугун ёшлар учун тадбиркорлик, бизнес соҳаларида имкониятлар етарли. Уларнинг ўз иқтидорини юзага чиқариши учун 100 миллион сўмгача имтиёзли кредитлар ажратилипти. Бироқ амалиётда айрим муаммолар ҳам учрайди.

Хусусан, илгари ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтган, аммо бугунги кунда амалда фаолият юритмаётган айрим ёшлар электрон платформада “банд аҳоли вақили” сифатида қўриниб қолаётгани сабабли имтиёзли кредитлардан фойдалана олмапти. Ваҳоланки, уларнинг аксарияти аини пайтда ишсиз ва ўз бизнесини бошлаш истагида.

Шунга қўра, амалда фаолият юритмаётган, бироқ электрон платформада ўзини ўзи банд сифатида қайд этилган ёшларнинг ҳолатини қайта қўриб чиқиш ва уларга ҳам имтиёзли кредит олиш имкониятини яратиш мақсада мувофиқ бўларди.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Маҳалламиз Қозоғистон билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Аҳоли азалдан деҳқончилик билан кун кўради. Айниқса, сабзи ва картошка етиштириш бўйича катта тажрибага эга. Бугун республиканинг турли вилоятларига етказиб берилаётган сабзининг салмоқли қисми айнан бизнинг ҳудудимизда етиштирилаётганидан фохрланамиз.

Аваз АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент туманидаги
“Чувалачи” маҳалласи раиси.

Маҳалламизнинг 33 гектарини томорқа ерлари ташкил этади. Бундан ташқари, 10 та фермер ҳўжалиги фаолият юритмоқда. Деҳқонларимиз ҳақида “ер тилини биладиган инсонлар”, десак, муболаға бўлмайди. Улар йиллар давомида тажриба орттириб, ҳар бир қарич ернинг имкониятидан унумли фойдаланишни ўрганишган. Сўнгги икки-уч йилдан буюн Голландия селекциясига мансуб сабзи уруғларини экишга ўтдик.

Дастлаб бу уруғларни синов тариқасида экдик. Тажриба шуни кўрсатдики, уруғнинг сифати билан бирга, унга бериладиган парвариш ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ер вақтида юмшатилса, бегона ўтлардан мунтазам тозаланса, сабзи тез ривожланади ва сифатли ҳосил беради. Акс ҳолда, бегона ўт озиқ моддаларни тортиб олади, натижа-



ЕР “ТИЛИ”НИ БИЛАДИГАН ИНСОНЛАР МЕҲНАТДАН ФАРОВОНЛИК ТОПЯПТИ

да ҳосил сушлашади. Бугун деҳқонларимиз бу агротехник талабларга қатъий амал қилаётгани боис ҳосилдорлик анча ошди.

Бизда деҳқончилик мавсуми қиш фаслидан бошланади. Январ ойида уруғлар экилиб, совуқдан сақлаш мақсадида махсус қўлма билан ёпилади. Баҳорнинг илк илиқ кунлари билан ниҳоллар куч ола

бошлайди. Май ойининг ўрталарида, яъни 15-20 майлардан бошлаб, янги сабзи бозорларга чиқарилади. Махсулот экспортга ҳам йўналтирилади. Июль ойигача асосий ҳосилдан даромад олинади. Шундан сўнг ер бўш қолмайди. Иккинчи экин сифатида картошка экилиб, бир ердан йил давомида икки мартаба ҳосил олинади. Мана шундай меҳнат

ва тўғри режалаштириш туфайли деҳқонларимиз ернинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланмоқда.

Маҳалламизда деҳқончилик шунчаки касб эмас, балки авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳаёт тарзи. Деярли ҳар бир оиланинг тиричилиги ер билан боғлиқ. Кимдир томорқасида, кимдир фермер ҳўжалигида меҳнат қилади. Энг қувонарлиси, ёшлар ҳам бу соҳадан четда қолмаяпти. Улар ота-оналари билан бирга ишлаб, замонавий агротехнологияларни ўрганапти.

ИМКОНИЯТ

“Муҳаммад ал-Хоразмий” стипендияси таъсис этилади

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ёшлар кунидagi йигит-қизлар билан учрашувида белгилаб берган топшириқлари доирасида ахборот технологиялари ва сунъий интеллект соҳаларида малакали мутахассислар тайёрлаш кучайтирилади.



риш тизими кенгайтирилади. Аввал кимё, биология, физика, математика ва информатика фанлари бўйича нуфузли халқаро олимпиадаларда ғолиб бўлган ўқувчиларга 1 миллиард сўм, уларни тайёрлаган устозларга эса 200 миллион сўм миқдорида пул мукофоти берилар эди. Эндликда ушбу рағбат сунъий интеллект бўйича халқаро олимпиадалар ғолиблари ва уларнинг устозларига ҳам татбиқ этилади.

Эндликда ушбу йўналишларда тахсил олаётган олий таълим муассасаларининг 3-босқич талабалари ўқишни “IT-Park”да “дуал таълим” тизими асосида давом эттиради. Бу тизим талабаларга назарий билимларни амалиёт билан уйғушлаштириш, компаниялар фаолияти билан яқиндан танишиш ҳамда ўқиш давридаёқ зарур касбий кўникмаларни егаллаш имконини беради.

Шунингдек, ахборот технологиялари ва сунъий интеллект йўналишларида юқори натижаларга эришаётган талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги давлат стипендияси таъсис этилади. Мухандислик, ахборот технологиялари ва сунъий интеллект йўналишларида тахсил олаётган иқтидорли талаба-қизлар учун “Мухандис қизлар” стипендияси жорий қилинади.

Яна бир муҳим янгилик — халқаро фан олимпиадалари ғолибларини рағбатланти-

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



Нажмиддин ОДИЛОВ,
ҳуқуқшунос, адвокат:

— Агар сиз Ўзбекистон фуқароси бўлсангиз, “ТОП-100” таликка кирувчи хорижий олий таълим

муассасасида илмий даража олган ҳамда ушбу дипломингиз белгиланган тартибда нострификация қилинган бўлса, имтиёзли ипотека кредитини олиш ҳуқуқига эгасиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

“ТОП-100” ТАЛИК УНИВЕРСИТЕТ БИТИРУВЧИСИ ИПОТЕКА ОЛИШИ МУМКИНМИ?

Ҳилола АСҚАРОВА. Наманган вилояти:

— 29 ёшдаман ва “ТОП-100” таликка кирувчи хорижий олий таълим муассасасида PhD илмий даражасини олдим. Энди ипотека кредити асосида уй сотиб олиш учун ариза топширмоқчиман. Ушбу кредитни олиш учун қонунчиликда белгиланган талаблардан фойдалана оламими?



Бунинг учун сиз Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали электрон шаклда мурожаат этиб, кредит олиш тўғрисидаги ариза ҳамда сотиб олинadиган уй-жой бўйича қурилиш ташкилоти билан тузилган шартномани илова қилишингиз лозим. Мурожаатингиз қабул қилинган, тижорат банки уч иш кунини ичида тўловга лаёқатингизни баҳолаб, сизга ажратилиши мумкин бўлган кредит миқдори юзасидан ҳулосани Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдим этади.


Мазкур кредит тижорат банки маблағлари ҳисобидан 10 йил муддатга, йиллик 14 фоиз ставкада ажратилади. Бунда кредит миқдори сотиб олинаётган уй-жой қийматининг 80 фоизидан ошмаслиги ҳамда умумий кредит суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 150 бараваригача бўлиши белгиланган.



Туристлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилувчи тадбирлар ташкил қилган тадбиркорларга ҚҚСНИНГ 50 ФОИЗИ ҚАЙТАРИБ БЕРИЛАДИ.



Ўзбекистондаги 216 та дарё, сой, кўл, булоқ ва шаршараларнинг номлари ДАВЛАТ ТИЛИ ҚОИДАЛАРИ БЎЙИЧА ҚАЙТА НОМАЛАНАДИ.



Ўзбекистон ва Қозоғистон чегарасида РАҚАМЛИ СМАРТ НАЗОРАТ ПУНКТЛАРИ пайдо бўлади.

6

Mahalla №56

2026 йил 15 июль, ЧОРШАНБА



ТОШКЕНТ В.

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”



ФАРҒОНА

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

ЧИН ИНСОНИЙЛИК ЁНДАШУВИ ТУФАЙЛИ МУРОЖААТЛАР МАНЗИЛЛИ ЕЧИМ ТОПДИ

Инсон қадрини улуғлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва ҳар бир мурожаатга манзилли ечим топиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланган.



Нихола ЙЎЛДОШЕВА, Бўка туманидаги “Рамадон” маҳалласи ижтимоий ходими.

Маҳалламизда бу борада амалга оширилаётган ишлар ўзининг амалий самарасини кўрсатаётгани билан алоҳида эътиборга молик. Худудимизда айни вақтда 1 157 та оила, 1 011 та хонадон мав-

жуд бўлиб, 73 нафар ногиронлиги бўлган шахс истиқомат қилади. Комплекс ижтимоий хизматлар тизими доирасида ҳар бир мурожаат атрофлича ўрганилиб, фуқароларга уларнинг эҳтиёжи ва шароитидан келиб чиққан ҳолда манзилли хизматлар кўрсатилмоқда.

Йил бошидан буён аҳолининг 150 дан ортиқ мурожаати қабул қилиниб, уларнинг 85 фоиздан зиёди ижобий ҳал этилди. Оғир ҳаётий вазиятга тушган оилаларни қўллаб-қув-



ватлаш бугунги кунда энг муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Масалан, Дилфуза Ғалиеванинг турмуш ўртоғи Шерали Жалолов узок йиллардан буён Россия Федерациясида меҳнат фаолиятини олиб бораётган бўлса-да, кейинги йилларда оиласи билан деярли алоқа қилмаган. Натижада ёлғиз аёл олти нафар фарзандни тарбиялаш ва уларни моддий жиҳатдан таъминлаш борасида қийинчиликларга дуч келган.



Шу сабаб, маҳалладаги ижтимоий хизматлар тизими орқали мазкур оила доимий қўллаб-қувватланмоқда. Энг муҳими, барча фарзандлар таълим билан тўлиқ қамраб олинган. Тадбиркорлар ва саховатпеша ҳомийлар оила вакилларига мунтазам равишда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда моддий ёрдам ажратиб келяпти.

“Саховат ва қўмак”

жамғармаси эса бу оилани қийим-кечак ва пойабзал билан таъминлади. Куз-қиш мавсумида электр энергияси ҳамда табиий газ харажатларини қоплаш учун 1 миллион сўм миқдорда бир марталик моддий ёрдам берилди. Шунингдек, Бўка тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази оиланинг вояга етмаган фарзандларига қонунчиликда белгиланган тартибда ижтимоий хизматлар ва амалий қўмаклар кўрсатиб келмоқда.

Бу каби манзилли ишлар нафақат эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, балки уларнинг ҳаёт сифати ва эртанги кунга бўлган ишончини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.



ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛА МУАММОСИ БИЛАН ЁЛҒИЗ ҚОЛМАЙДИ

Бугун мамлакатимизда “Инсон қадри учун” тамойили асосида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд оила муаммоларини ўрганиш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эзгу ишлар жойларда маҳалла тизими ҳамда “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ҳамкорлигида амалга оширилаётгани қўллаб оилалар ҳаётида ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Аҳмаджон МАМАЮСУПОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси шўъба mudiri.

Учкўприк туманидаги “Олмурод” маҳалласида яшовчи Одина опа Рўзиматова ана шундай эътибор ва ғамхўрликни ҳис этган инсонлардан бири. Беш нафар қиз фарзанди билан тинч ва осуда ҳаёт кечираётган оила бошига икки йил аввал оғир синов тушди. Турмуш ўртоғи бахтсиз ҳодиса оқибатида меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолди.

Шундан кейин хонадон вакиллари ногиронлик нафақаси ва маҳалла кўрсатаётган ёрдамлар ҳисобига кун кечира бошлади. Бироқ яшаб турган уйи таъмирталаб ҳолатда эди. Маҳалла масъулари оиланинг ижтимоий аҳолини ўрганиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2026 йилда ҳудудларни янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида таъмирлаш ишлари учун маблағ ажратди. Натижада уй тўлиқ таъмирланиб, энергия тежамкор ҳолга келтирилди. Шу билан бирга, беморга даволаш учун йўлланма ҳам тақдим этилди.

Учкўприк тумани “Бекобод” маҳалласида истиқомат қилувчи Азимжон ака Юсупов хонадонида ҳам ана шундай эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Уч фарзанднинг отаси бўлган бу инсоннинг кичик ўғли бир неча йил аввал дарахтдан йиқилиб, тўшакка миҳланиб қолган. Фарзандини оёққа турғизиш илинжида қўллаб шиқоркор-

ларга мурожаат қилган ота ўз дардини ҳеч кимга ошкор қилмаган.

Маҳалладаги ижтимоий ходим оиланинг шароитини ўргангач, қисқа муддат ичида бу хонадонда ҳам таъмирлаш ишлари бошланди. Даволаниш харажатлари учун маблағ ажратилди, уйда парвариш хизмати йўлга қўйилди ҳамда ногиронлик аравачаси билан таъминланди.



Бундай мисоллар юртимизда инсон қадрини улуғлаш йўлида олиб борилаётган ислохотлар амалда қандай натижа бераётганини яққол кўрсатади. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан йўлга қўйилган манзилли ижтимоий ҳимоя тизими туфайли эҳтиёжманд оилалар ўз муаммолари билан ёлғиз қолмаяпти.

Биргина Фарғона вилоятида Ижтимоий реестрдаги 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган ва меҳнатга лаёқатли аъзоси бўлмаган 339 та оила хонадонларида девор ва томларни изоляция қилиш, энергия тежамкор дераза, эшик ҳамда кўёш панеллари ўрнатиш ишларини амалга ошириш белгиланган. Бунинг учун маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги “Инфратузилма ва ижтимоий барқарорлик” жамғармасида 18,9 миллиард сўм маблағ шакллантирилди. Бугунги кун ҳолатига, 320 та хонадонни таъмирлаш учун қурувчи корхоналар жалб этилиб, шундан 170 таси ўз эгаларига фойдаланиш учун топширилди.


БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

“Бешта тилни ўрганиб, дунё кезаман”

“Камбағаллик циклини тўхтатамиз” кўнгиллилар гуруҳи аъзолари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси билан ҳамкорликда туманларда бепул ўқув машғулотларини мунтазам ташкил этиб келмоқда.

50 нафарга яқин кўнгилли 9 та туманда ҳар сешанба ва пайшанба кунлари 100 нафарга яқин кам таъминланган оила фарзандлари учун молиявий саводхонлик, математика ва инглиз тили фанлари бўйича “тенгдошдан тенгдошга” тамойили асосида интерактив дарслар ўтказилмоқда.

Машғулотлар давомида мавзулар турли ўйинлар, жамоавий топшириқлар ва қизиқарли машқлар орқали тушунтирилмоқда. Бу эса болаларнинг билимини осон ва қизиқиш билан ўзлаштиришига хизмат қилмоқда.



Дарслар фақат фанларни ўрганиш билангина чекланмайди. Кўнгиллилар болалар билан мақсад қўйиш, орзулар сари интилиш, пулни тўғри бошқариш, жамғариш ва уни фойдали мақсадлар учун сарфлаш мавзуларида ҳам очик мулоқотлар олиб боришмоқда.

Бир топшириқда болалар ўз келажак мақсадларини ёзишди. Уларнинг айримларида “5 та тилни ўрганиб, дунё кезаман”, “Кўп пул топаман”, “Катта бўлганимда ошпаз бўлиб, миллиардер бўламан!” деган сатрларни ўқиш мумкин.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизмати.

КИЧИК ҲАЖМЛИ КЎМАК МАРКАЗИНИНГ КАТТА НАТИЖАЛАРИ

Қашқадарё вилоятида фаолияти йўлга қўйилган Кичик ҳажмли ижтимоий кўмак маркази оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Қисқа вақт ичида марказ мутахассисларининг тизимли саъй-ҳаракатлари натижасида 10 нафар бола ўз оиласи бағрига қайтарилди.

Ўлмас БАРОТОВ, журналист.

Мазкур марказ ҳаётида руҳий, жисмоний ёки ижтимоий қийинчиликларга дуч келган, айниқса, вояга етмаганларга тезкор ва комплекс ёрдам кўрсатишга ихтисослашган. Бу ерда болалар хавфсиз вақтинчалик бошпана билан таъминланади, малакали психологлар руҳий қўллаб-қувватлайди, шунингдек, ҳуқуқшунослар ва ижтимоий ходимлар иштирокида зарур хизматлар кўрсатилади.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА тайёрлади.



ОВЧИЛИК
ГУВОҲНОМАСИНИ
ОЛИШ УЧУН 10 СОАТЛИК
Ўқув курсини тамомлаб,
тест синовидан
муваффақиятли
ўтиш талаб этилади.



2026 йилнинг
биринчи ярмида
Ўзбекистонда ИШ
ЖОЙИДА 447 ТА
БАХТСИЗ ҲОДИСА
содир бўлиб,
137 киши
вафот этди.



Ўзбекистонда
ҚОРА МЕТАЛЛ
АЙЛАНМАСИНИ
НАЗОРАТ
ҚИЛИШ УЧУН
“E-lom”
платформаси
ишга туширилади.

2026 йил
15 июль,
ЧОРШАНБА

Mahalla №56

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

ТАҲЛИЛ

Бугунги кунда туризм мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан саналади. Айниқса, халқаро конференциялар, бизнес-форумлар, кўргазмалар, конгресслар ва йирик корпоратив учрашувлар каби ишбилармонлик тадбирлари (MICE туризм) дунёнинг кўплаб давлатларида иқтисодий ўсишнинг муҳим манбаларидан бири сифатида эътироф этилади.

ТУРИЗМ РИВОЖИДА ЯНГИ РАҒБАТ:

тадбиркорларга ҚҚСнинг 50 фоизи қайтарилади

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Бундай тадбирлар орқали хорижий меҳмонлар мамлакатга ташриф буюради, меҳмонхона, транспорт, умумий овқатланиш, таржимонлик, логистика ва бошқа кўплаб хизматлардан фойдаланади. Натижада ички иқтисодий фаоллик ортади, янги иш ўринлари яратилади ва мамлакатнинг халқаро нуфузи мустаҳкамланади.

Шу боис Ўзбекистонда ҳам MICE туризмининг ривожлантириш ва тадбиркорларни ушбу йўналишга фаол жалб этишга қаратилган янги ҳужжат имзоланди. Ҳукуматнинг 2026 йил 8 июлдаги қарори билан “Туристлар оқимини кўпайтиришга хизмат қиладиган ишбилармонлик (MICE туризм) тадбирларини республика ҳудудида ташкил қилувчи тадбиркорлик субъектлариға республика бюджетига ҳақиқатда тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасининг 50 фоизини қайтариш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Мазкур Низомга мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида MICE туризм тадбирлари-

реклама, логистика, овқатланиш, меҳмонларни қўтиб олиш ва бошқа хизматлар учун катта маблағ сарфланади. Солиқнинг 50 фоизи қайтарилиши ушбу харажатларнинг маълум қисmini қоплашга ёрдам беради. Натижада тадбиркорлар янада кўпроқ халқаро тадбирларни Ўзбекистонда ташкил этишга интилади.

Мазкур имтиёздан фойдаланиш учун тадбиркор MICE туризм тадбири якунланган кундан бошлаб уч ойдан кечиктирмасдан Миллий туризм ягона платформаси орқали Туризм қўмитасига электрон тарзда мурожаат қилиши лозим. Мурожаатга тадбир тўғрисидаги маълумот, тадбир дастури, электрон ҳисобварақ-фактуралар, онлайн назорат-касса чеклари, банк тўлов ҳужжатлари, шунингдек, чет эллик иштирокчилар рўйхати ҳамда уларнинг Ўзбекистонга кириш ва чиқиш маълумотлари илова қилинади. Ушбу ҳужжатлар тадбирнинг ҳақиқатан ҳам MICE туризм талаблари асосида ташкил этилганини ҳамда харажатларнинг асосланганлигини тасдиқлашга хизмат қилади. Туризм қўмитаси тақдим этилган ҳужжатларни беш иш куни ичида қўриб чиқади.



ни ташкил этган тадбиркорларга ҚҚСнинг 50 фоизи қайтарилади. Бу амалиёт, аввало, тадбир ташкилотчиларининг харажатларини қисқартириш имконини беради. Айниқса, йирик халқаро конференциялар ёки кўргазмаларни ўтказишда жой ижараси, техник жиҳозлар,

Мазкур тартибнинг амалий аҳамияти жуда катта. Биринчидан, у Ўзбекистонни бизнес тадбирлари учун халқаро майдонга айлантиришга ёрдам беради. Иккинчидан, хорижий иштирокчилар сонининг ортиши меҳмонхона, ресторан, транспорт, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари даромадларининг кўпайишига олиб келади. Учинчидан, мамлакатнинг инвестициявий ва туристик имижига мустаҳкамланади, халқаро ҳамкорлик алоқалари кенгайди.

Энг муҳими, тадбиркорлар учун яратилаётган бундай молиявий рағбатлар янги лойиҳаларни амалга оширишга, йирик халқаро тадбирларни Ўзбекистонда ташкил этишга ва MICE туризм бозорининг изчил ривожланишига хизмат қилади.

ЭСЛАТМА!

Фойда солиғида даромад ва ХАРАЖАТ ТЎҒРИ КЎРСАТИЛСА...

2026 йил 20 июль
— жорий йил II чорак якунлари бўйича фойда солиғи ҳисоботини тақдим этишнинг охириги куни. Шу боис солиқ тўловчилар даромад ва харажатларни тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирган ҳолда тақдим этишлари зарур.

Дилшодбек ШОДИЕВ,
журналист.



Солиқ кодексининг 305-моддасига кўра, фойда солиғи солиқ тўловчининг жами даромадидан даромад олиш билан боғлиқ, асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларни чегириш орқали аниқланади. Бунда фақат ҳақиқатда амалга оширилган ва тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар эътироф этилади.

Шу билан бирга, фойдаланилмаган моддий харажатларни асоссиз равишда ишлаб чиқариш харажатларига киритиш, товарлар (хизматлар) реализациясидан олинган тушумни кейинги ҳисобот даврига ўтказиш, моддий ресурслар, ёқилғи-энергетика харажатлари ёки амортизация меъёрларини сунъий равишда ошириш каби ҳолатлар солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб баҳоланади.

Солиқ кодексининг 223-моддасига мувофиқ, солиқ базаси яширилган ёки камайтириб кўрсатилган тақдирда, яширилган (камайтириб кўрсатилган) солиқ базаси суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима қўлланилади.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Назоратчи эмас, ҲАМКОР ВА МАСЛАҲАТЧИ БЎЛИШ МУҲИМРОҚ



Солиқ тизимида ишлаётганимга саккиз йил бўлди. Бу йиллар давомида фақат қонунчилик эмас, одамларнинг солиққа бўлган муносабати ҳам сезиларли даражада ўзгарди.

Отабек ОЛТИБОВЕВ,
Бўстон туманидаги
“Яккатол”, “Ғолиб”, “Янги қишлоқ”, “Янғобод” маҳаллалари
солиқ инспектори.

Илк йилларда ер ва мол-мулк солиқлари бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш учун уйма-уй юрардик. Баъзи хонадонларда гўё узимиз учун пул сўраётгандек эътирозлар, норозиликлар бўларди. Солиқнинг нима учун тўланиши, унинг жамият учун аҳамияти ҳақида узоқ тушунтиришга тўғри келарди. Бугун эса вазият бошқача. Солиқ тўловчилар тора масъулиятни чуқурроқ англаб бораётир. Кўпчилик тўловларини белгиланган муддатда амалга оширади, қарздорлик юзга келмаслиги учун ўзи қизикиб сўрайди.

Фуқаролар бизга кўпроқ ер ва мол-мулк солиқларини ҳисоблаб бериш, имтиёзлар ёки қарздорлик бўйича маълумот олиш учун мурожаат қилади. Аммо ҳозирда ҳудудда кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиш ишлари олиб борилаётгани сабабли айни йўналишдаги саволлар кўпайган. Уларга бу жараён ҳудудлар кесимида босқичма-босқич амалга оширилаётгани, хатлов ишлари Кадастр агентлигининг электрон режа-жадвали ва ахборот тизими асосида олиб борилишини тушунтирамиз. Шунингдек, республика бўйича хатловдан ўтказиш ишлари 2028 йилгача якунланиши режалаштирилганини изоҳлаймиз.

Менга бириктирилган “Янғибод” маҳалласида бугунги кунда 170 нафарга яқин тадбиркор фаолият юритади. Маҳалламизнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерда мева-сабзавотларни музлаткич омборларида сақлаш йўналиши янги ривожланган. Тадбиркорлар кўпинча фаолиятини қандай кенгайтириш ёки қонунийлаштириш юзасидан маслаҳат сўраб келишади.

Масалан, “Сариқ Жўжа Соф Мевалари” корхонасини ташкил этган тадбиркор ҳар йили 100 тоннагача ҳўл меваларни музлаткич омборларида сақлайди. Фаолияти кенгайгани сари солиққа оид мажбуриятлари ҳам ортиди. Биз унга солиқ тартибни тўғри танлаш, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш ва фаолиятини қонуний асосда юритиш бўйича амалий кўмак бердик. Натижада тадбиркор нафақат фаолиятини кенгайтирди, балки янги иш ўринлари яратишга ҳам эришди.

Иш жараёнида учрайдиган муаммолардан бири — айрим тадбиркорларнинг фаолиятини бошлагани ҳолда уни расмийлаштиришни кечиктиришидир. Яқинда шундай ҳолат кузатилди. Фуқаро омборхонани ижарага олиб махсулот сақлаш хизматини кўрсатаётган, бироқ фаолиятини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмаган эди. Суҳбат давомида бунинг оқибатлари, хусусан, солиққа оид хавфлар ва келгусидаги жавобгарлик чораларини тушунтирдик. Зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатдик. Орадан кўп ўтмай, тадбиркор қонуний фаолият бошлади.

Бугун солиқ инспекторининг асосий вазифаси фақат назорат қилиш эмас, балки солиқ тўловчиларга ҳамкор ва маслаҳатчи бўлишдир. Қонун талабларини тўғри тушунтириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг қонуний фаолият юртишига қўмақлаштириш орқали иқтисодиёт ривожига, аҳоли фаровонлигига ва давлат бюджети барқарорлигига муносиб ҳисса қўиш мумкин.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Одил ФАЙЗИЕВ,
Сурхондарё вилояти:

— Мен давлат захира ерига уй қуриш учун пойдевор қуйган эдим. Кадастр ходимлари келиб пойдеворини бузишни айтиди ва менга 82 миллион сўм жарима ёзишди, шундан кейин пойдеворни бузиб ташладим. Ҳозир бу жаримани тўлашга имконим йўқ. Бундай вазиятда ҳуқуқларимни ҳимоя қилиш ва жарима масаласини ҳал қилиш учун кимга мурожаат қилишим керак?

Акмал ВАЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи:

— “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига асосан, бинолар, иншоотлар ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш фуқароларга БҲМнинг 200 баравари миқдорида жарима солинишига сабаб бўлади. Бироқ, сиз пойдеворни ихтиёрий равишда бузиб, ҳуқуқбузарлик оқибатларини бартараф этган бўлсангиз, бу мазкур кодекснинг 31-моддасида назарда тутилган жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши мумкин.

Шу боис жарима тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиб, ҳуқуқбузарлик оқибатларини бартараф этганингиз ва моддий аҳолинингизни инobatга олган ҳолда, жарима миқдорини камайтиришни сўрашингиз мумкин.



“ЖАРИМАНИ
ТЎЛАШГА
ИМКОНИМ ЙЎҚ...”

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади:



Ўтган йили “UzAuto Motors” қарийб 400 мингта автомобиль сотди, ўртача нарх 10,6 минг долларга етди.



Кўп қаватли уйларни ноқонуний қурганлик учун БҲМнинг 450 бараваригача жарима, 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади.



Ўзбекистонда 671 нафар ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаларини бузгани учун 12 баллдан ортиқ жарима тўплади.

8

Mahalla №56

2026 йил
15 июль,
ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”



ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИГИЗ?

Хизмат ҳудудимни айланиб юриб, бир хонадонда ўндан ортиқ нотаниш йигитлар яшаётганини кўрдим. Суриштирсам, ҳаммаси бозорда арава тортиб, юк ташувчилик қиларкан. Уй эгаси эса уларни ҳеч қандай ҳужжатсиз, рўйхатдан ўтказмай, бир хонага жойлаштириб қўйган. Ҳар кунги жанжалдан маҳалладошларнинг ҳаловати йўқолган. Мана шундай назоратсизлик маҳалламизнинг файзини ҳам, хавфсизлигини ҳам йўққа чиқараётган эди.

Режали хатлов ҳақиқий ҳолатни намоён этди:

КИМ ҚАЕРДА, НИМА БИЛАН МАШҒУЛЛИГИ ОЙДИНЛАШДИ



Жалолiddин МАМАТҚУЛОВ, Чилонзор туманидаги “Бешкўрғон” маҳалласи профилактика инспектори.

Умуман, маҳалла харитасига назар ташланса, аҳоли яшайдиган қисм нисбатан кичик бўлиб, асосий ҳудудни пойтахтнинг энг йирик бозорлари, улкан саноат ҳудуди, омборхоналар эгаллаган. Беш ойлик тинимсиз меҳнатдан сўнг, кўп муаммоларга ечим топилди. Илк бор “қизил” тоифадан “яшил” тоифага ўтдик. Ҳўш, бу натижага қандай эришдик?

“Пойтахт намунаси” асосида 5 йиллик жиноятларни илмий ва таҳлилий ёндашув билан кўриб чиқдик. Жараёнда Ички ишлар вазирлиги академиясининг профессор-ўқитувчилари яқиндан қўмаклашди. 2025 йилда рўй берган 57 та жиноятни таҳлил қилганимизда, 24 таси “Абу Сахий”, 12 таси “Чилонзор буюм бозори”да содир этилгани аён бўлди. Бевосита маҳалла аҳли билан боғлиқ жиноятлар атиги 6 та экани асосий эътиборни қаерга қаратиш кераклигини кўрсатиб турарди.

Дастлаб режали хатлов ўтказдик. Худудда 15 минг 500 та тадбиркорлик субъекти борлиги, улардан 2 003 таси ўз жойини ижарага бергани аниқланди. Табиийки, уларнинг фаолияти қонунийлаштирилди. Бу орқали қарийб 40 миллиард сўмлик товар-моддий бойликларни назоратга олдик, бюджетга 4 миллиард сўмга яқин солиқ тушишини таъминладик. Энг асосийси, жиноят ўчоғи бўлган 69 та “ноқонуний яшаш уйлари”нинг 34 таси замонавий қўноқуйга, 20 таси эса қонуний меҳмон уйларига айлантирилди. Энди у ерда ким яшаётгани, қаердан келгани назоратимизда турибди.

Қувонарлиси, бугун кўчаларни тунда ҳам бемалол кузата оламиз. Чунки “Хавфсиз шаҳар” тамойили асосида юзни ва автомобиль рақамларини танийдиган замонавий интеллектуал камералар ўрнатдик. Бекор юрган ёшларни касбий таълимга йўналтириб, уларга иш топиб берамиз. “Ишсизман”, деб юрган ёшлар йўқ. Жараёнда экология ва санитария талабларига зид 281 та ҳолатни бартараф этдик. Йиллар давомида таъмир кўрмаган тор кўчаларни тўлиқ асфальтладик, оқова сув тизимини янгиладик.

Таъкидлаш муҳимки, **юртимиздаги энг катта бозорларга яқин жойлашганимиз учун тунги пайтда етарли ёритилмаган кўчаларда турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар кўп содир этилган. Шу боис, кўчаларга замонавий ёритиш чироқлари ўрнатдик. Болажонлар учун қурилган янги майдончалардаги шодлиқни кўриб, қилган меҳнатимиздан фахрланаман. Одамларнинг бизга бўлган ишончи қайтди, уларнинг дуоси ва миннатдорлиги кучимизга куч қўшмоқда.**

Юқорида таъкидлаганимдек, беш ойлик тинимсиз ҳаракат ўз мевасини берди, энди “қизил” ҳудуддан чиқдик. Лекин шу натижа билан тўхтаб қолмоқчи ҳам эмасмиз.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

ШУБҲАЛИ ХОНАДОНДАГИ ХАВОТИР хавфли жиноятнинг олдини олди

Республикаимиздаги барча маҳаллаларда “Хавфсиз ва соғлом юрт” профилактик тадбирлари давом этмоқда. Бу жараён шунчаки қуруқ рақамлар ортидан қувиш эмас, балки инсонлар тақдирини, маҳалладошларимиз хавфсизлигини таъминлаш, демакдир.



Улугбек БЕКҚУЛОВ, Шароф Рашидов туманидаги “Тоқчилик” маҳалласи профилактика инспектори.

Биламизки, осойишталик ўз-ўзидан келиб қолмайди. Шу боис хизмат ҳудудимни чин маънода хавфсиз бўлиши учун “еттилик” билан биргаликда аниқ чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиялман.

Мисол учун, хонадонлар, ижара уйлари ва бўш турган объектларни эринмай, бирма-бир хатловдан ўтказаямиз. Муқаддам судланганлар, назоратда турувчи шахслар билан манзилли суҳбатлар ташкил этиб, уларнинг муаммоларини ўрганяпмиз.

Тадбир давомида кириш-чиқиш йўллари, марказий кўчаларга ва жиноят содир этилиши хавфи бўлган нукталарга юзни ҳамда автомобиль давлат рақамларини таний оладиган замонавий видеокузатув камераларини ўрнатдик. Энди ҳудуддаги вазиятни туну кун назорат қила олялман.

Жиноятнинг ортида кўпинча бекорчилик иллати туради. Шу сабабли ишсиз йигит-қизлар, айниқса, ёшларнинг рўйхатини шакллантириб, уларни касб-ҳунарга йўналтирдик ва бандлигини таъминлашга қўмаклашдик.

Қоронғу кўчаларимизга ёритиш чироқлари ўрнатдик. Жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тунги вақтларда тизимли навбатчилик ташкил этдик.



Олиб бораётган мана шундай чора-тадбирлар ўз мевасини бермоқда. “Хонадонбай” ўрганишлар ва тезкор маълумотлар асосида ички хавфларни бартараф этияпмиз.

Яқинда ўтказилган кенг қамровли тадбир давомида бир шубҳали хонадонни кўздан кечирдик. Текширув натижасида ушбу фуқаронинг яшаш уйдан қонунга хилоф равишда сақлаб келинаётган ва тарқатиш мақсадида тайёрлаб қўйилган хавфли гиёхвандлик воситаларини аниқладик ва ўрнатилган тартибда мусодара қилдик. Агар биз ўша куни хонадонга кирамаганимизда, заҳри қотил қанчадан-қанча ёшларимизнинг ҳаётини заҳарлаган бўлар эди. Пул топиш илнинида бўлган кимсалар қилиши сабабли нечта ўғрилиқ, босқинчилик ёки оғирроқ жиноятлар содир этилар эди. Биттагина хонадондаги ҳушёрлигимиз туфайли занжирсимон давом этиши мумкин бўлган ўнлаб жиноятларнинг олдини олдик. Мана сизга “оқдий тадбир” деб баҳоланадиган

ишларнинг ҳаётимиздаги натижаси!

Яқин кунларда ишларимиз янада юқори босқичга чиқади. Чунки янги ҳуқуқ-тартибот маскани ишга тушган, фаолиятимиз самарадорлиги ортади. Муаммоларни туман марказига чиқмасдан, шу ернинг ўзида, тезкор ҳал этиш имкониятига эга бўламиз.

Сахифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

ҲОЛАТ

Низо ортидаги сабаб қандай бартараф этилди?

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Аслида эса, ҳар бир ҳаракатнинг замирида аниқ мақсад ётади. Масалан, ички ишлар ходимлари ишлари қандай тадбирлар фақатгина кўчалардаги назорат, жиноятчиларни ушлаш ёки жарималар солиш эмас, балки инсонлар орасидаги низоларни барвақт аниқлаш,



оилаларни сақлаб қолиш ва жамиятнинг энг кичик бўғинида соғлом муҳит яратишдан иборатдир. Шаҳрисабз туманидаги “Шаматон” маҳалласида юз берган ҳаётий воқеа бунинг яққол исботи бўлди. ...Ғулом Мардиев(исм-фамилиялар ўзгаририлган) ва унинг турмуш ўртоғи Жамила Мардиеванинг ўртасидаги қелишмовчилик сабабли оила ажралиш ёқасига келиб қолган эди. Бундай вазиятда кўпинча эр-хотин бир-бирини айблади, маҳалла-қўй эса уларни “сабр қилишга” қақиради. Бироқ бу сафар “еттилик” ходимлари масалага илмий ёндашди. Низонинг ортидаги яширин сабаб аниқланди. Таҳлил жараёнида ҳар икки ёшнинг вазияти диққат билан тингланди. Кўп йиллик тажрибага эга профилактика инспектори Рус-

там Мухиддинов ҳулласига кўра, ўртадаги адоват, аслида, уларнинг дунёқараши мос келмаганидан эмас, балки оиладаги учинчи шахс — қайнонанинг аралашуви туфайли юзага келаётган эди.

Вазият жуда қалтис ва нозик бўлгани учун маҳалла раиси Чарос Ражабова қайнонани шунчаки айблаш ёки унга дашном бериш йўлидан бормасди. Келинига тазйиқлар ва уйдаги доимий жанжаллар ортида жиддий бир муаммо — аёлнинг руҳий саломатлигидаги салбий ўзгаришлар ётгани маълум бўлди.

Вазият тўғри баҳоланиб, тузилган расмий далолатномага асосан, қайнона тиббий ташхис асосида даволанишга йўналтирилди. Бу қадам нафақат касаллик аниқланган онанинг ўзига ёрдам бўлди, балки ёш оиланинг устида турган доимий босим ва низо ўчоғини бартараф этди.

Ўз навбатида, келин-куёв билан алоҳида руҳий ва ҳуқуқий тушунтириш ишлари олиб борилди. Уларга оилада ўзаро ҳурмат, аҳиллик ва муросса муҳитини сақлаш, арзимеган маийший муаммолар сабаб фарзандлар келажагини хавф остига қўймаслик ҳақида ҳаётий тавсиялар берилди.

Гувоҳ бўлганимиздек, жамиятдаги оилавий муаммоларни ҳал қилиш учун қуруқ насихат эмас, балки муаммонинг илдиизига кириб борадиган тизимли ёндашув керак. Бугун ўз уйида тинч ва бахтли яшаётган эр-хотин эртага жамиятга соғлом фарзандларни тарбиялаб беради. Хавфсиз ва соғлом юрт эса, энг аввало, мана шундай хавфсиз ва соғлом оилалардан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шох кўчаси 59-уй. Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92. Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 324 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г- 720



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов Шерзод Маманов